(1898-йил, Тошкент - 1938-йил, 13-март, Москва)
(1929-йил декабр - 1937-йил сентабр)

Давлат ва сиёсат арбоби. Тошкентнинг Ўкчи махалласида мактабдор Икром домла оиласида тугилган. Отасининг мактабида савод чикарган. Ёшлигидан форс ва араб тилларини пухта эгаллаб, шарк адабиётини чукур ўрганган. Тошкент шахрида ўкитувчи (1918-1919), “Изчиллар тўдаси” ва “Чигатойг урунги”аъзоси, Элхон тахаллуси билан шеърлар ёзган. Наманган, Фаргона, Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган (1919-1921). Туркистон Коммунистлар партияси Марказий Кенгашининг котиби ва ташкилий инструкторлик бўлими мудири (1921-1922). Туркистон Республикасида янги иктисодий сиёсат (НЕП) ни амалга оширилишида ташаббускорлик килган. 1922-1924-йилларда Москвадаги Коммунистик университетда ўкиди. 1925-йил январдан Тошкент вилояти партия комитети котиби. 1925-йил февралдан Ўзбекистон Коммунистлар Партияси Марказий Кенгаши котиби, биринчи котиби (1929-йил декабр - 1937-йил сентабр). 1931-1934-йилларда Бутун иттифок коммунистлар партияси марказий кенгашининг Ўрта Осиё бюроси котиби. Бутун Россия Марказий Ижроия Кўмитаси аъзоси, 1925-1937-йилларда СССР Марказий Ижроия Кўмитаси Президиуми аъзолигига номзод. ЎзССР Марказий Ижроия кўмитаси Президиуми аъзоси (1925-1937).
А. Икромов 1919-1924-йилларда имконияти доирасида ўзбек халки манфаатлари учун Марказ сиёсатига карши курашган. У мохир публицист сифатида Ўзбекистонда кишлок хўжалигини, хусусан пахтачиликни ривожлантиришга, маданий курулишга доир кўплаб назарий маколалар, илмия асарлар ёзган. Икромов ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё бюроси ва Марказнинг кўрсатмаларига амал килишга мажбур бўлган.
1925-1927-йилларда ўн саккизлар гурухи, иногомовчиликка карши гоявий кураш олиб борган. Ўзбекистонда ер-сув ислохати, мажбурий жамоатлаштириш, республикада замонавий саноат асосларини куриш ва бошка тадбирларга рахбарлик килган. Жадидларни “буржуа миллатчилиги” да айблаган. Икромов гарчи болшевистик гоядан чекинмаган бўлса-са, мустабид тузум катагончилари уни аяб ўтирмадилар. 1937-йил сентабрда Тошкентда камокка олинди. Советларга карши “Ўнг троцкийчи блок” деб аталган иш бўйича Москвада суд килиниб, собик СССРни бўлиб юбориш, жумладан, Ўрта Осиё республикаларини ажратиб олиш, давлат тузумини агдариш, капитализмни, буржуазия хокимиятини тиклашда айбланди ва отиб ташланди.
1957-йил 3-июнда СССР Олий суди харбий коллегияси А. Икромовни айбсиз деб топди ва у окланди. Икромов хотираси абадийлаштирилиб, Тошкент шахридаги туманга, йирик кўчага, махаллалар ва мактабларга унинг номи берилган. Тошкент ва Самаркандда хайкали ўрнатилган.